# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## БАҲОСИ ҚИММАТ КОНСПЕКТ

***Бошқа олий таълим даргоҳларида қандай билмадиму, аммо бизда дарслар ҳам, имтиҳонлар ҳам сиртқи бўлимга "хос" эди.***

Тўғри айрим домлалардан "уч" олишниям ўзи бўлмасдию, ҳар қалай имтиҳон жараёнида китоб савдоси билан шуғулланадиган домлалар унчалик ноёб эмасди. Қани энди ҳамма домла китоб бизнеси билан шуғулланса дер эдик.

Иккинчи курсмиз. Фольклоршунослик фанидан имтиҳон топширишимиз керак. Домлани кутаяпмиз. Бирор соатлардан сўнг аудитория эшиги "ғийқ" этиб очилди-ю, биз интизорлик билан кутаётган калта бўйли дўмбоққина домламиз бош суқди.

Имтиҳон бошланди. Ҳамманинг дами ичида. Вазиятни домланинг ўзи юмшатди.

-Аввало кечикканим учун узр, - деди у. – Қанча вақтимиз қолди ўзи. Ҳа, яхши. Бўлмаса бундай қиламиз. Учта савол бераман. Агар мана бу китоблардан биттаданми, иккитаданми олсанглар баҳоларингни бир баллдан кўтариб қўяман. Фақатгина мени тўғри тушунасизлар, деган умиддаман. Буни сизларга енгиллик яратиш мақсадида қиляпман. Ҳаммага маъқулми?

Бу таклиф ҳаммага мойдай ёқди. Билган ҳам, билмаган ҳам ҳеч ким йиқилмаяпти. Ҳамма хурсанд. Тўрт киши энг охирида қолдик. Кўнглимдан ўтяпти: "Ишқилиб домланинг китоби тугаб қолмасин-да". Хуллас, менга энг охири навбат етди. Билет олдим. Учта савол. Иккитасига жавоб бера оламан. Биттаси эса...

"Иккита саволга жавоб бераман, биттасига эса китоб бера қолинг, домла" дедим.

Домла сумкасини ковлади. Афсус кўнглимдан ўтгани бўлди. Домлада китоб қолмабди. Бу танг вазиятдан мени ўқитувчининг ўзи қутқарди.

-Сиз ўғлим хафа бўлманг. Яхшиси сиз мана бу конспект дафтаримни ола қолинг. Жуда сизга керакли нарсалар бор. Пулингиз ёнингизда қолади. Уч минг бера қолинг.

"Тўрт" қўйсам бўладими? – кўзойнагини тагидан тикилди у. Ўйладим. Нима қилиш керак, бор-йўғи икки ярим минг пулим бор. Ҳар қалай домлада инсоф бор экан. Борига кўнди.

Ташқарига чиқиб курсдошларимга бўлган воқеани айтиб бердим. Кимдир кулди. Кимдир домлани мақтади. Яна кимдир... Гуруҳдаги энг ёши катта "оқсоқол" талаба Абдулла ака мулоҳаза билан шундай деди: кулманглар ҳам, куйманглар ҳам. Буни ҳаёт дейдилар.

**Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ**

## ЖАҲЛ ВА БУЗОҚ

***Омон ака Жарқўрғон туманидаги "Халқобод" хўжалигида ишлайди. Аччиғи тез. Асабийлашганда жаҳли шундай тошадики...***

Хотини Жарқиной илтимос қилди:

-Дадаси! Нариги дала четида бузоқ боғланган. Бориб обкемайсизми?

-Ўзи чарчаб келдим. Доим бир ишинг тайёр...

Омон ака ғудрана-ғудрана кетди. Йўл анча. Дала чеккасида катта "лоток" ариқ. Ўтиб борди. Бузоқнинг ипини ечган эди, ип қўлидан чиқиб кетди. Бир жойда боғланиб оч ётганмикин, югуриб бориб, ўтлоққа тўхтади. Омон ака етганида, яна узоққа қочди. Асаби таранглашди. Чопди. Қувди. Қайтарди. Минг азоб билан ушлади. Жони халқумига келди. Етаклади. Оёғини тиради аччиқланиб. Бузоқ зўрға келарди. Тисарилиб қочмоқчи бўларди. Омон ака маҳкам ушлаб тортаверди. "Лоток"ка етди. Ўтадиган кўприк анча олисда. "Лоток"нинг шу еридан ўтказаман". Омон ака бузоқнинг ипини тутиб "лоток"дан нарироққа ўтди. Силкиб тортди. Бузоқ "лоток"дан қўрқди. Ўтмади. Омон ака ҳам оёғини ерга тираб бор кучи билан тортқиларди. Йўқ. Бузоқ орқага чекинди. Омон ака лотокнинг симига ипни боғлади. Ўзи катта таёқ билан бузоқни урди. Юрмади. Асаби қайнади. Ўтмасанг ўлдираман, ўтма қани!` Яна урди. Бузоқ ётиб олди. Омон аканинг кўзидан ўт чиқди. Баттар савалади. Таёқ синди. Бошқа таёқ топиб, бузоқни таёқлади. Бузоқ турмади. Яна урди... Яна. Яна. Зарб билан урди!!! Бузоқ "шилқ" этиб тушди. Оёғини қоқиб... жон берди.

Омон ака ўлик бузоққа тикилди. Лаби пирпиради. Юраги ёнди... Сўнг жим бўлиб қолди... Бир пасдан кейин бузоқ бўйнидаги чиройли янги арқон ипни ечиб олди. Уйга келди... Хотинининг олдига ипни ташлади:

-Мана... бузоқ...

Хотини қўрқув ичида эрига тикилиб қолди...

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

## "МОТОР"ИНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

***Совуқ кунлар бошланиши биланоқ газ босими пасайиб кетади. Қишлоқнинг момолари сим қоқишган эди, "райгаз"дагилар саҳарлик ва ифторликка яраша газ берилишини ваъда қилишди...***

Янгичек қишлоғидаги 21 хонадон аҳил бўлиб газ туширишган. Энг муҳими, ҳамма тенг пул сарфлаган. Газ ёқишга келганда эса Қайтмасалининг олдига тушадигани топилмаяпти. Мана икки йилдирки, Қайтмасали қувур сиғимидаги газни суғуриб тортиб оладиган мотор ўрнатиб олган. Қолган 20 хонадон газсиз қолса ҳам унинг парвойига келмайди. Маҳалланинг эркаклари йиғилиб, уни инсофга чақиришди, парво қилмади: "Ана бозорда сотяпти "мотори" тушмагурни, сенлар ҳам сотиб ол", деди безрайиб.

Эртасига хотинлар тўда бўлиб уникига бостириб киришди. "Мотор"ини зўрға яширишга улгурган Қайтмасали бизда мотор-потор йўқ, деб қутулмоқчи бўлди.

-Вай, палончижон, анаву зормандангизнинг овози ён қўшниларимизга бемалол эшитилиб турарkан, яна гапингиздан тонасиз-а. Қўйинг-е, садқаи одам кетинг, ўлигингиз ҳам, тиригингиз ҳам шу маҳалла билан, - деди адвокатнинг хотини.

-Эринг прокурор бўладими, бошқами мени эшигимга бостириб киришга ҳаққинг йўқ. Чиқ ҳаммаларинг.

Бечора хотинлар худога солишди.

Рамазон ойи муносабати билан ўрта босимдаги газга юқориси қўшилган экан. Ўша куни ҳамма уйқуга кетганда Қайтмасалининг уйи, ноқонуний газ уланган ҳаммоми ва иссиқхонаси ёниб кетибди. Уларнинг арз-додини бу сафар ҳеч ким эшитмапти. Илгари ҳам уларнинг уй, тўғрироғи, ошхонаси ёниб кетганди. Маҳалла аҳил бўлиб, ўтни ўчириб қолишганди. Қайтмасали ва оила аъзолари бошпанасиз қолганига маҳалла аҳли ачинаяпти. Аммо наилож...

**Баҳодир ҲОТАМ**

## «О, БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ...»

***Фазлиддин ака гарчанд давраларда шўх-шодон суҳбатлар уюштирса-да, кўча-кўйда нуқул хомуш юради. Бир куни ўртоғи Собир бунинг сабабини сўради.***

Маълум бўлишича, Фазлиддин ака ўспиринлик даврида, яъни ўнинчи синфда ўқиб юрганида ўзидан икки синф пастда ўқийдиган Ҳаловат исмли қиз хат ёзиб, севги изҳор қилибди. Қиз ҳам унга маъқул келган. Аммо табиатан уятчанлиги боис, жавобан дил изҳорини билдира олмабди. Ҳатто, бирор марта учрашувга ҳам чиқолмабди.

Кейинчалик тақдир икки ёшни икки томонга улоқтирибди. Бири бошқага уйланиб, иккинчиси ўзгага турмушга чиқибди. Ҳозир ҳар иккисининг иккитадан фарзанди бор. Аммо на Фазлиддин ака, на Ҳаловат опа ҳанузгача бахтли ҳаёт кечирмаётган экан. Иккови ҳам мисоли дўст, дардлашганда шу хусусда кўп гапиришаркан. Бир-бирларига бўлган муҳаббатлари эса шу вақтгача сунмабди-ю, оила, фарзандлар келажагини ўйлаб, ҳаёт таъқиқлаган чегарадан ўта олмаскан.

-Эҳ, - дейди Фазлиддин ака тиззасига уриб, - ўзим айбдорман, латта бўлганман. Қани энди ўрнига тушса...

**Мақсуд БАҲРОМ ўғли.**

## ШАРТНОМАНИ БУЗГАННИНГ ЖАЗОСИ

(Боши 1-бетда)

Бу деҳқонлар меҳнати самарасини йиғиштиришга киришиш ҳисобланади. Бу йил бўйи қилинган меҳнат натижасининг сарҳисобидир.

Аммо орамизда деҳқон номига доғ туширувчи айрим ғирромлар ҳамон йўқ эмас. Урганч туманидаги Сотим Қаландаров номли фермерлар бирлашмасидаги "Қодир Шонгир", "Саховат", "Жумёз-Жасур" фермер хўжаликлари, "Пахтакор" ширкат хўжалиги ҳудудидаги "Фарангиз" фермер хўжаликларида далаларда чигит униб чиқмади, деган баҳонада уни бузиб, ўрнига шоли экилганлиги аниқланиб, уларнинг ҳар бирига 410000 сўмдан ажратилган имтиёзли кредит маблағларини муддатидан олдин қайтариш мақсадида судга даъво аризалари киритилди. Шу тумандаги "Давлат Даврон", "Чаманзор" фермер хўжаликлари бошлиқлари А.Аллаберганов ва О.Машариповлар томонидан статистика бўлимига тақдим этилган 4 СХ ҳисоботида 2,9-2,46 гектарга чигит экилди, деб пахта майдонлари ошириб кўрсатилган. Шунингдек, Охунбобоев номли ширкат хўжалигида жойлашган "Йўлдош Ёқуб", "Юсуф бобо", "Хўжаобод", "Акмал хўжа", "Уста Ражаб" ва "Жўрабек-Зафарбек" каби жами 8 та фермер хўжалигида қонун бузилиш ҳоллари аниқланиб, уларнинг раҳбарларига нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

Айрим жойларда эса деҳқоннинг минг машаққат билан етиштирган ҳосилини пайҳон қилишдек хунук ҳоллар рўй бермоқда. Янгиариқ тумани "Хоразм" ширкат хўжалигида яшовчи Б.Султонова ва Э.Жуманиёзовлар 4-5 килограмм, Ҳазорасп тумани "Обод" ширкат хўжалигида яшовчи Ж.Давлатов қиймати 2538 сўмлик 18 килограмм кўсак ва 13 килограмм пахтани, А.Ёқубов номли ширкат хўжалигидан С.Мадримова 93 сўмлик пахта ва кўсакни ўғирлаб, ширкат мулкини талон-торож қилганлари учун улар устидан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилиб, туман судларида кўриб чиқилди.

Бироқ бу борада масъул шахсларнинг ҳам Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишига ҳисса қўшиш ўрнига ўзлари қинғир ишларга бош бўлаётганликларини нима деб баҳолаш мумкин. Хива туманидаги Рўзмат Мадаминов номли ширкат хўжалигида пахта ҳосилини йиғиштириб олишда иштирок қилаётган ҳашарчиларга тарқатилиши лозим бўлган 819965 сўм нақд пул тўлов ҳужжатлари тайёрлаб топширилиши кечиктирилганлиги сабабли тарқатилмасдан турганлиги прокуратура ходимлари томонидан аниқланди ва бош ҳисобчи В.Жуманиёзов қонун бузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилди. Шунингдек, ҳисобчи М.Эшниёзовга нисбатан хизмат вазифасини талаб даражасида бажармагани учун интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилди. Боғот туманидаги "Туркистон" ширкат хўжалигида ҳам шундай ҳол содир бўлган. Пахта териминиинг биринчи беш кунлиги учун олинган 10920,4 минг сўмнинг "Деҳқонбозор" иқтисод коллежи талаба теримчиларига тарқатилиши лозим бўлган 2108,7 минг сўми ўз вақтида тарқатилмаганлиги маълум бўлди.

Бундан бир неча йил аввал ниҳоллар эндигина униб чиқаётган пайти кучли сел ёққанида бош пудратчи аёлнинг дала бошида туриб ич-ичидан қайғуриб йиғлаганининг гувоҳи бўлганмиз. Ёмғир деҳқоннинг ичига ёғади деган нақлнинг нақадар тўғрилигига ўшанда ишонган эдик. Ўтказилган текшириш давомида аниқланган ҳолатларни кўриб ҳақиқий деҳқон, унинг меҳнатининг қадрини билмаётган кимсаларнинг қилиқларини баҳолашда, албатта, бундай шахсларнинг халқ қарғишига қолишини таъкидламоқ жоиз. Бўлмаса Қўшкўпир тумани "Обод" ширкат хўжалиги 6-бўлими бошлиғи Р.Пирнапасов ўзига ишониб топширилган 540 килограмм пахтани шу ширкат хўжалиги пудратчиси О.Машариповга 30 минг сўмга сотармиди?! Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам билинар, деган гап бор халқимизда. Р.Пирнапасовнинг қилмиши уни суднинг қора курсисига етаклади. Яхшиямки, булар гуруч ичидаги курмакдай оз, йўли эса бузоқнинг сомонхонага югурганидай гап.

Воҳанинг асл деҳқонлари, ҳақиқий ер эгаларию, олийҳиммат ҳашарчилар эса қуёшли кунларнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, кўзланган хирмонни тезроқ бунёд қилиш учун меҳнат қилишмоқда.

**Ўктамбой АБДУЛЛАЕВ,**
**Хоразм вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори.**

**Гулистон туманидаги пахтани қайта ишлаш корхонасининг марказдан беш-олти километр узоқликка чиқарилиб, замонавий тарзда қурилиши кўпчиликни қувонтирди. Иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган бу корхонада бугун 200 дан ортиқ гулистонлик йигит-қизлар меҳнат қилаяпти. Уларга тажрибали мутахассислар бош-қош.**

**-Манфаатдорлик иш суратию сифатга боғлиқ, - дейди жамоа раҳбари Юнус Йўлдошев. – Ялпи даромаду фойда маҳсулот сифатига боғлиқ-да. Меҳнатсеварликда эса қизларимиз йигитларга ўрнак.**

**Шунингдек, Сирдарё вилоятидаги пахтани қайта ишлаш корхоналарида уруғлик пахтани сақлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, Бахт пахта заводида бу йил 2600 тонна уруғлик пахта тайёрланди. Ҳосилнинг сифати эса Нарзулла Воҳидов, Аброр Аҳмаджонов ва Бахтиёр Холжигитов сингари мутахассислар эътиборида.**

**СУРАТЛАРДА: 1) гулистонлик илғор ишчи Моҳира Қаландарова; 2) Бахт пахтани қайта ишлаш корхонаси ходимлари ўзаро маслаҳатлашмоқда.**

Б.АКРАМОВ олган суратлар.






## ИЙМОНИНИ СОТГАННИНГ НИМАСИ ҚОЛАДИ?

(Боши 1-бетда)

Унда фуқаролар йиғинларининг кам таъминланган оилаларга, ёлғиз кексаларга, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолияти таҳлил қилинди.Йиғинни қўмита раиси Машкура Сафаева олиб борди. Семинарнинг юртимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар бошланган бир пайтда бўлиб ўтганлиги ҳам диққатга сазовор. Унда ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг қонуний асослари, кафолатлари талқин этилди. Бу борадаги ютуқлар санаб ўтилди. Бироқ, ҳамма жойда ҳам шундаймикин? Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси умумий назорат бошқармаси прокурори Мансур Шарафутдинов келтирган айрим далилларни эътиборингизга ҳавола қилсак:

**-Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишларда айрим фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилаларга асоссиз равишда нафақа тайинланмаётгани, ёрдам пулларига муҳтож бўлмаган оилаларга эса нафақа тайинлаш ҳолатлари аниқланди,** - дейди нотиқ. – **Хусусан, Беруний тумани, "Шаббоз" фуқаролар йиғини раиси К.Бекимбетов ишга яроқли, лекин ишлашни хоҳламайдиган аъзолари бўлган оилаларга моддий ёрдам тайинлаб 519,9 минг сўм пулни муҳтож оилаларга бермаган. Нукус шаҳри, "Пристан" посёлкаси 3-сонли "Ак-жагис" овул фуқаролар йиғини раиси Г.Байлапесова эса овулдошлари Г.Сейимбетова ва Х.Есбереновалар номидан ариза ёзиб, тайинланган 213,8 минг сўмни ўзи олган ва ўзлаштирган...**

**Бундан ташқари, текширишлар давомида маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари томонидан товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш ҳолатлари ҳам аниқланган,** - давом этади М.Шарафутдинов. – **Жумладан, Нарпай туманидаги "Кўк ота" фуқаролар йиғини котиби М.Маликов ёрдамга муҳтож бўлган Н.Убайдуллаевани алдаб, болаларига нафақа тайинлашда ёрдам бераман, деб 25 минг сўм олган вақтида ушланган. Урганч шаҳридаги Эгам Раҳимов номли маҳалла фуқаролар йиғини котибаси С.Ғоипова фуқаро С.Саитованинг ишончини суиистеъмол қилиб, нафақа тайинлашда ёрдамлашаман, деб алдаб ҳамда келган текширувчилар сизнинг ҳужжатларингиз билан қизиқишаяпти, деб фирибгарлик йўли билан 35 минг сўм пул олган ва ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.**

Лол қоласан. Энг аянчли томони, ўзи ёрдамга муҳтож – пулга зориқиб қўл чўзиб турган аёлдан пора сўраган кимсани ким деб аташни ҳам билмайсан. Бундан ортиқ ноинсофлик бўлиши мумкинми? Ожиз ва ночор қўл чўзаётган инсоннинг юзига тарсаки тортиш билан баробар эмасми бу?! Улар бу билан давлатнинг ҳам юзига оёқ қўяяпти-ку. Бева-бечора, кам куч, ногиронлар, ишга яроқсиз кишилар оиласига берилиши керак бўлган бу маблағни давлат бераяпти-ку... Халқда бир гап бор: етимнинг ҳаққи ёмон, у бир куни тешиб чиқади. Бундай нопок кимсалар Худодан қўрқмаса, қонунни ҳурмат қилмаса, ҳеч бўлмаганда ўзларига умид билан боққан нигоҳларнинг мўлтираши виждонини безовта қилмайдими?

Табиийки, иймонини йўқотган, виждонини сотган кимсаларга бу тахлит гаплар таъсир қилмайди. Юртимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар бошланди.. Оқсоқолликка сайланадиган кишилар, аввало, виждон, иймон эътиқод мезони, энг муҳими, одамгарчилик хислати билан халқнинг эътиборини тортган бўлиши лозим. Энг муҳими, ҳар қайсимиз кимни сайлаётганимизни яхши билишимиз керак.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

**МУАММО**

## «ЧЎНТАК КЎТАРМАСА, ТУШ МАШИНАДАН»

***Самарқанд шаҳрида аҳолига асосий транспорт хизматини кўрсатаётган хусусий "Дамас" ва "РАФ" автомашиналарининг эгалари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини қўпол равишда бузишмоқда. Бу эса халқнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.***

Сўзим қуруқ бўлмасин. Яқинда шаҳарнинг Рудакий номли кўчасидан олдига "Сиёб бозор-Сагдиана" деб ёзиб қўйилган 52-йўналиш бўйича қатнаётган "Дамас"га чиқдим. Машина салонида "Проезд-150 сўм" деб ёзиб қўйилган экан. Дарҳол йўл ҳақини узатдим. Қолганлар ҳам бирин-кетин йўлкира ҳақини узата бошлашди. Ҳали мўйлаби сабза урмаган ёшгина ҳайдовчи йигит йиғилган пулни санади-да:

– Ким йигирма беш сўм кам узатди? Қани давай узатинглар. Йўл кирани кўрга хасса қилиб ёзиб қўйибмиз-ку, - деди. Можаро бошланди.

-Ў бола, оғзингга қараб гапир. Отанг тенги одамларга қўпол гапиришга уялмайсанми? Биринчидан, шаҳарда йўлкира ҳақи бир юз йигирма беш сўм. Шундай бўлса ҳам мен сенга ҳов қоғозда ёзиб қўйилган пулингни бердим. Бу ишинг яхши эмас, - дея ҳайдовчига танбеҳ берган бўлди ёнимда ўтирган кексароқ киши.

-Шаҳарда буларни тартибга чақирадиган бирорта валломат қолмаган-да, – кесатди ўша йигирма беш сўмни кам берган бир аёл. Ҳайдовчи машинани шитоб билан йўл четига тўхтатди-да:

-Хоҳлайсиларми-йўқми йўл кира бир юз эллик сўм. Чўнтак кўтармаса пешком юринглар, - деди безрайиб. Буниси ҳаммасидан ўтиб тушди.

-Эй, ҳайда машинангни, шусиз ҳам дарсга кеч қолдим. Йигирма беш сўм ҳам гап бўлдими. Мана юз сўм. Ҳайда энди! – можарога якун ясади олдинда ўтирган талаба қиз буйруқ оҳангида.

Ҳайдовчи қиз узатган пулни лом-мим демай чўнтагига солди-ю йўлга чиқди...

Бу ҳар куни эрта тонгдан шаҳар хусусий транспортида рўй бериши мумкин бўлган асаббузарликнинг бир кўриниши холос. Бунақанги машмашаларни ҳар қадамда учратиш мумкин.

Республика Президентининг "2003 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармонидан кейин шаҳардаги хусусий йўловчи ташиш транспортлари йўлкира ҳақини бир йўла 1,5 бараварга кўтариб қўя қолишди.

Ахир, Фармон аҳолини моддий томондан қўллаб-қувватлаш учун чиқарилган эди-ку. Йўл ҳақини ошириш учун эмас. Бироқ, самарқандлик йўловчи ташувчи ҳайдовчилар буни бошқачароқ тушунишган кўринади. Бу "ташаббус" дастлаб 52-йўналиш ҳайдовчиларидан чиққану, кейин бошқалар ҳам уларнинг орқасидан эргашишган. Бу ҳолатга мутасаддилар "Қани кузатайлик-чи, буёғи нима бўларкин?" дея томошабин бўлишган кўринади. Ҳозир ҳам Самарқандда аҳвол шундай. Юзага келган вазиятдан баъзи уюшма раҳбарлари оқилона фойдаланиб, ими-жимида янги йўлкира нархларини белгилашибди. Масалан, "Аср" ассоциацияси раҳбарлари 10 километргача бўлган масофага 100 сўм, ундан зиёдига 125 сўмлик тариф белгилашибди. Бироқ, бу тарифлар фақатгина қоғозда қолиб, амалда эса ҳайдовчилар йўловчиларга 150 сўмлик нархда хизмат кўрсатишмоқда. Бу ҳақда вилоят матбуотида ҳам бир неча бор бонг урилди-ю, аммо натижаси бўлмади.

Шаҳарда хусусий йўловчи транспорт ассоциацияларида шартнома асосида қонуний ишлаётган хусусий машиналардан ноқонуний ҳаракатланаётган хусусий йўловчи транспорти кўпроқ. "Дамас"у "РАФ"лар шунчалик кўпайиб кетганки, бу ҳатто ҳаракат хавфсизлигига ҳам жиддий хавф солмоқда. Масалан, шаҳарнинг Мирзо Улуғбек шоҳкўчасида эрталабки автомобиль ҳаракатини кузатсангиз, юрагингиз увишади. Ахир кўча кенгайиб, тораядиган резина эмас-ку? Ушбу ҳолнинг қонуний ишлаётган ҳайдовчи учун ноқулай томони шундаки, у йўловчи талашиб ҳамкасблари билан кимўзарга тушиб кетади. Лекин барибир машина кўпу йўловчи оз. Демак, йўлкира ҳақини кўтариш зарур. Бошқа илож ҳам йўқ. Ахир бензин, эҳтиёт қисмларга кетган харажатни қоплашнинг бирдан-бир йўли шу-да.

Хуллас, вилоятнинг шу соҳага мутасаддилари ғафлатдан уйғониб, маълум бир нархни белгилаб, уни қатъий назорат қилмас экан, ҳайдовчиларнинг ўзбошимчалигию, аҳолининг ҳақли эътирози ечилмаган муаммолигича қолаверади.

**Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ**

## БЕГУНОҲ ҚИЗНИНГ ҚОТИЛИ

***Бир неча кундирки, қишлоқ чеккасидаги хонадоннинг тинчи бузилган. Қўни-қўшнилар ҳам ҳайрон. "Ҳилола, шаҳардаги билим даргоҳида ўқиётган Ҳилола уйига келмай қўйган эмиш". Қизиқ, қаёққа ғойиб бўлиши мумкин? Туппа-тузук қиз бўлса. Бунинг устига ота-оналарининг ҳам эл ичида ўзига яраша обрўлари бор. Оилада ёлғиз қиз эканлигини, бироз эркароқ ўсганини ҳисобга олмаса, Ҳилола ҳам эс-ҳушли қиз, ахир.***

Бир-икки кун ичида ўзини олдириб эшик "тиқ" этса, юраги бир сапчиб тушадиган она, маърака-мавридга чиқишга юраги бетламай қолган отанинг аҳволини айтмайсизми? Шўрлик онанинг кўнглига чироқ ёқса ёришмайди. Қўли ишга бормай, қизининг китоб-дафтарларини титган бўлади. Унинг дугоналари билан тушган суратларига боқиб қизининг худди шу лаҳзада "Онажон" дея кириб келишини истайди. Суратлар эса кўп. Аммо мана бу сурат сал ғалатироқми? Она она-да. Юраги бир чигал тугуннинг ечимини топгандек ҳаприқиб кетди. Суратни қўлига олиб унга узоқ разм солди.

...Онаизор Ҳилоланинг ёнида туриб суратга тушган узун бўйли йигитга узоқ разм солди. Анчагина эскилиги шундоқ сезилиб турган суратда нега бу йигит ана у қизларнинг эмас, айнан Ҳилоланинг ёнида, шундоқ ёнма-ён тушди экан? Бундан ҳам кўра унинг кўзидаги нурсиз, совуқ ифода онани шубҳага солди. Кўз юракдаги гапни ошкор этар эмиш. Она шундай ўй билан суратни алоҳида ажратиб қўйди.

* * *

Ҳилола одатда ҳар гал тушдан сўнг йўлга отланарди. Ўша куни эса негадир эртароқ йўлга чиқди. Автобусда кетар экан, сумкасидаги юкларини – онажониси тандирда ёпган патиру нон, опаси атайин келтирган сариёғ, кийим-кечагини яна бир бор кўздан кечирди.

Қип-қизариб ёпилган патирлардан бирини Комилжонга атаб қўйганини ўйларкан энтикиб қўйди. Ҳа, Комилжон акаси патирни хуш кўради. Тўйимиз ўтгач, ҳар ҳафтада бир марта патир ёпиб берасиз, деб ҳазиломуз шарт ҳам қўйган. Ана шуларни ўйларкан Ҳилола "ҳар ҳафта эмас, ҳар куни патир ёпиб берганим бўлсин", деб кўнглидан ўтказди.

Ширин хаёллар оғушида шаҳарга қандай етиб келганини ҳам сезмай қолган Ҳилола тўғри ётоқхонага йўл олди. Мана, чорраҳани кесиб ўтди. Ундан нариёғи бир қадам. Худди шу лаҳза ўзидан беш-олти одим нарида келиб тўхтаган енгил машина эътиборини тортди. Тўғрироғи, машинадагилар унинг диққатини ўзларига тортиш ҳаракатида бўлишаётганди. Енгил машина ичидагиларга қараган Ҳилоланинг юраги шув этиб кетди.

...Жамшидни дарров таниди. "Турқи қурсин", деган фикр кечди кўнглидан. Бир пайтлар Ҳилоланинг атрофида гирдикапалак бўлган, севги изҳор қилиб, содда қизни ишонтираёзган, аммо ниятига етолмай шумшайиб қолган Жамшид яна пайдо бўлибди-да. Уни ўқишни ташлаб, аллақайси юртга тижорат қилгани кетган, деб эшитганди.

**ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР**

-Ҳилола, - деган буйруқсимон товуш эшитилди. – Ҳилола, деяпман. Нима, танимай қолдингми? Бу ёққа қара...

"Йўлингдан қолма". Ҳилоланинг нафратланиб айтган бу сўзи ҳар қандай кимсанинг шаштини қайтарар эди. Аммо анчайин кайфи бор Жамшидга бу акс таъсир этди. Жамшид рулда ўтирган йигитга нимадир деган эди, машина шаҳд билан келиб Ҳилоланинг йўлига кўндаланг бўлди. Жамшид билан шериги гап-сўзсиз ожиз, ҳимоясиз қизни кўз очиб-юмгунча машинага олиб киришди. Машина шитоб билан ўрнидан жилди. Кимсасиз кўчадаги дов-дарахтларгина бу қилмиш шоҳиди эдилар. Афсуски, дарахтларнинг забони йўқ.

...Милиция лейтенанти Ҳайитов ўз зиммасига анчайин мушкул иш тушганини ич-ичидан ҳис этарди. Гап Ҳилоланинг сирли тарзда йўқолгани ҳақида бораётганди, албатта. Қизнинг ота-онаси билан суҳбатлашиб билгани шу бўлдики, Ҳилола якшанба куни йўлга чиққан. Аммо, унинг шаҳарга етиб келган-келмагани номаълум эди. Ётоқхона қоровули Ҳилоланинг шу куни келмаганини билдиргач, лейтенант автобус ҳайдовчиларидан бирор гап чиқар, деган умидда эди. Афсуски, ўша куни туман марказидан шаҳарга қатнаган автобус эгаларидан ҳам жўяли маълумот ололмади. Улар "Якшанбада аксарият қизлар ўқишга отланишади, қай бирини эслаб қоласан киши?" дейишдан нарига ўтишмади.

Ҳайитов Ҳилоланинг ўқитувчи-ю курсдошлари, яқин дугоналари билан суҳбатлашгач, бир нарсага ишонч ҳосил қилди: Ҳилола – эс-ҳушли, обод-аҳлоқли қиз. Бинобарин, уни енгилтак қизга чиқариб қўйиб бўлмайди. Дуч келганнинг ортидан эргашиб, бир-икки ой ўтгач, шумшайибгина қайтганлари ҳам учраб туради. Лекин Ҳилола улар тоифасидан эмас.

Одатда, бирор бир иш зиммасига юкланса, уни ўйлаб лейтенант ором билмайди. Мана, кечқурун уйида дам олаяпти-ю Ҳилолани ўйлайди. "Қаерда бўлса экан?". Шу ўй билан банд маҳал бехосдан телефон қўнғироғи янгради. Ишхонадан экан. Навбатчи "Тез етиб келсин", деган буйруқни етказди. Гарчи, нима гап деб сўраш қоидага хилоф бўлса-да, саволга оғиз жуфтлади. "Йўқолиб қолган қизга дахлдор иш бўлса керак", деган жавобни эшитиб, дарҳол йўлга отланди. Ҳилоладан дарак бўлса-я. "Ишқилиб, ота-онасининг бахтига топилган бўлсин". Лейтенант кўнглидан кечган фикр шу эди.

* * *

Ҳилолани машинага мажбуран киритишган маҳал қиз ҳушидан кетаёзди. Ичкаридаги бадбўй ҳид, Жамшиддан ташқари икки йигитнинг маъносиз, одам зотига хос бўлмаган алфозда тикилишларининг ўзи унга етарли эди. Аммо у ўзини ўнглаб олишга куч топди. Жамшиднинг қўлини силтаб ташлар экан. "Машинани тўхтат", дейишга чоғланди. Аммо Жамшид арoқ ичиш тугул, алланима балони чекиб олган, инсоний қиёфасини батамом йўқотган эди. У Ҳилола қаршилик қилавергач, муштини ишга солди. Шўрлик қиз хушидан кетди. "Зўрсан-ку, Жамшид", деди шерикларидан бири Ҳилоланинг чеҳрасига суқ билан боқаркан.

Машина бу пайтда шаҳарни ортда қолдириб нотекис йўлга чиқиб олганди. Бўрилар одам кўзидан панароқда бўлишгани каби қабиҳ ниятли кимсалар ҳам ўзгалар назаридан четга-йидоқ дала томон йўлни буришди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

(Давоми келгуси сонда)

# АҚШ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРИ САМАРҚАНДДА

***САМАРҚАНД /ЎзА мухбири Акбар Қаршиев/. Самарқандга Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман хоним раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди.***

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги сиёсий-иқтисодий муносабатлар йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик икки томонлама фойдали асосда ривожланмоқда.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев ҳамроҳлигида Самарқанддаги Бибихоним масжиди, Регистон мажмуини томоша қилди.

- Самарқандга илк бор келишим, - деди Э.Венеман журналистлар билан суҳбатда. - Бу шаҳар менда унутилмас таассурот қолдирди. Ташрифдан асосий мақсадимиз эса мамлакатингиз билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва қишлоқ хўжалиги соҳасига оид қатор лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш имкониятларини ўрганишдан иборат.

# СУРХОННИНГ ЮКСАК ХИРМОНИ

(Боши 1-бетда)

Туманда ерга ва меҳнатга муносабат тубдан янгиланди. Сариосиёликлар ғаллачиликда бўлгани каби, пахтачиликда ҳам республикада биринчи бўлиб шартномавий режани бажариб, Президентимизнинг табригини олишга муваффақ бўлдилар. Улар ҳозиргача режадаги 17000 тонна ўрнига 22000 тонна пахта етказиб бердилар.

Сурхондарёнинг улкан хирмонига деновликлар 43 минг тонна, жарқўрғонликлар 27 минг тонна, термизликлар 15,1 минг тонналик пахталари билан ҳисса қўшдилар. Бошқа туманлар деҳқонларининг ҳам улуши салмоқли бўлди.

Вилоятда 2000 га яқин фермер хўжаликлари ҳам пахта тайёрлаш шартнома режасини ошириб бажарди. Сариосиё туманидаги "Мусо бобо", "Анжир", "Сарвар" фермер хўжаликлари 45-48 центнерлик, Денов туманидаги "Лочин", "Исмоил", "Тўхта Ҳайитов" фермер хўжаликлари эса 46-50 центнерлик, Қумқўрғон туманидаги "Мирзо Олим", "Анҳор", "Иброҳим бобо" фермер хўжаликлари 47-53 центнерлик ҳосилдорликка эришди. Фермерларнинг пахтачиликдан 15-30 миллион сўмлаб соф даромад олаётганлиги айни муддао бўлмоқда. Фермер бойимоқда, энди ҳосилдорлик бундан-да ошади, эл-юрт янада обод бўлади.

Вилоятдаги юздан ортиқ ширкат хўжаликлари "Бухоро-6", "Оққўрғон-2", "Наманган-77", "Термиз-31" пахта навларидан айниқса мўл ҳосил етиштиришиб, режани ўринлатиб қўйишди. Сариосиё туманидаги "Сўфиён", "Сариосиё", Денов туманидаги Бобур номли, "Ҳазарбоғ", Жарқўрғон туманидаги "Беш қаҳрамон" ширкат хўжаликлари ҳар гектар ердан 35-45 центнердан ҳосил олдилар.

Деҳқонлар ютуқлар сабабини шартномаларнинг қатъийлигида, ғўза ниҳолларининг ўз вақтида минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантиришга эришилганлиги ҳамда терим пайтида пахта пулининг ўз вақтида узлуксиз бериб борилганлигида, деб билмоқдалар. Хўжаликларнинг, фермерларнинг, пудратчиларнинг, деҳқонларнинг манфаатдорлиги бу йил ниҳоятда ошади. Чунки ялпи ҳосилнинг 80-85 фоизи 1 навларга етказиб берилди. Вилоят пахтадан 75 миллиард 286 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаб турибди. Бу ҳазилакам бойлик эмас. Демак, деҳқоннинг косаси оқаради, хўжалигу фермерлар янги техникалар сотиб олади, воҳада янги корхона ва иншоотлар қад тиклайди. Ахир, пахтадан келадиган соф даромаднинг ўзи 15 миллиард 601 миллион сўмдан ошиб кетиши кутилаяпти. Бир қиёслаб кўринг, ўтган йил вилоят бўйича бу кўрсаткич бор-йўғи 2 миллиард 416 миллион сўмни ташкил қилган эди.

Деҳқоннинг рисқи-рўзи тўлишаяпти. Бу йил уларга 5953 тонна пахта ёғи, 23700 тонна кунжара, 18746 тонна шулха, иш ҳақи учун 6771 тонна ғалла, режадан ортиқча етиштирилган 53639 тонна буғдой эса бепул берилди. Вилоят қишлоқ хўжалигининг қайси бир йўналишига назар солманг, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигига гувоҳ бўласиз.

Ғаллачиликдаги каби бугун пахтачиликда ҳам вилоят Республикада биринчи бўлиб йиллик шартномавий режани шараф билан бажарди. Деҳқоннинг қувончи бир олам, севинчи чексиз. Омборлар ғаллага тўлиб-тошди, пахта хирмони "тоғ"лардан ошди, Сурхондарё қут-баракага тўлди.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ТАНИШУВ САФАРИ

***Андижон. /ЎзА мухбири С.Шукуров/. БМТ Тараққиёт дастурининг тинчлик ва ривожланиш масалалари бўйича минтақавий маслаҳатчиси Анна Матвеева Андижонга ташриф буюрди.***

У мазкур ташкилотнинг Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистонда олиб бораётган фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Сафарнинг мақсади БМТ томонидан ривожланиш дастури буйича олиб борилаётган ишларнинг янги йўналишларини белгилаб олишдир.

МУЛОҲАЗА

# ДАСТУРХОНИМИЗ БАРАКАСИ

***Бугун пахтакору соҳибкор боғбоннинг, шоликору полизчининг йил бўйи қилган меҳнати тарозига қўйилиб, сарҳисоб қилинмоқда.***



Шуни ғурур билан таъкидлаш ўринлики, 2003 йил Хоразм деҳқонлари учун жуда омадли келди. Сув мўл, об-ҳаво эса қулай келаётганлиги учун Яратганга беадад шукрлар қиламиз. Шароит бўлгандан кейин чин дилдан меҳнат қилиш керак-да. Далаларимизга уч йилдан бери пахтанинг "Хоразм-127" нави экилади. Ундан олинаётган ҳосил юқорилиги боис туманимиз воҳада карвонбошилик қилиб келади. Мен бошлиқ ижарачилар амалдаги йилда 63 гектар майдонда ғўза парвариш қилдилар. Ҳосил ҳам меҳнатга яраша бўлди.

Ўрни келганда юқори ҳосил олишнинг бир "сири"ни айтай. Халқимизда "Ер тўйса, эл тўяди", деган гап бор. Биз илкимиздаги ернинг ҳар гектари ҳисобига 80-100 тоннадан маҳаллий ўғит берамиз. Гўнг тупроқ билан аралаштирилган ҳолда икки жойдаги 400-500 тонналик ҳовузларда сақланиб, икки йил давомида унинг қуввати оширилади. Бундай маҳаллий ўғит жуда кучли бўлади. Бундан ташқари, ҳар уч йилда пахта, буғдой, шоли, сабзавот экинлари ўрни белгиланган тартибда алмаштириб турилади.

Куз йиғим-терим фасли бўлиш билан бирга экиш даври ҳамдир. Келгуси йил ҳосилига айни шу кунлардан замин ҳозирланади. 33 гектар майдондаги кузги буғдой бир текисда униб чиқди. Ривожи биз кутгандек. Кузги сабзавотлар экиб бўлинди.

**Бекдурди ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Хива туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги бош пудратчиси.**

# ХАЛҚ БАНКИНИНГ ҚАМРОВИ КЕНГ

***Халқ банкининг Жиззах вилояти бошқармаси амалга ошираётган ишлар кўп жиҳатлари билан ажралиб туради. Хусусан, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга жалб қилишда мижозлар манфаатларига мос равишда фоизлар белгиланиши яхши самара бераяпти. "Аср совғаси", "Кафолат", "Олтин куз", "Кексаларга иззат-ҳурмат ва ғамхўрлик", "Тома тома кўл бўлур", "Саховат", "Тантана", "Қадрият", "Фахрий" "Ассалом, янги йил" ва бошқа омонатларга жалб этилган аҳоли маблағи 1 миллиард 772 миллион сўмдан ошиб кетди.***

Банк кичик ва ўрта бизнесда бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи юридик шахсларга кредит беришга алоҳида эътибор қаратаётир. 2002 йили ва 2003 йилнинг уч чорагида мижозларга жами 1 миллиард 210 миллион сўм кредит ажратилди. Бу маблағнинг 750 миллион сўми ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорлар, фермерлар ва жисмоний шахсларга берилди. Шунинг ҳисобидан 300 дан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди.

Бошқарманинг туман ва шаҳар филиаллари тасаррруфида 109 та бўлинма мавжуд. Уларнинг бештаси негизида мини-банклар ташкил этилди. Натижада аҳолининг коммунал хизмат ҳақини тўлашдаги мушкули осонлашди. Мутахассислар малакасини ошириб бориш мақсадида бошқармада ўқув маркази ташкил этилган. Бундан ташқари 78 нафар ходим ишдан ажралмаган ҳолда ўрта махсус ўқув юртларида, 23 нафари эса турли олийгоҳларда таҳсил олишаётир.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор талабидан келиб чиқилган ҳолда бошқарманинг амалиёт бўлими ҳамда Дўстлик филиали томонидан "Ишонч- Карт" электрон пластик карточкаси муомалага чиқарилди. Республика ҳукуматининг "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳам банк жамоаси диққат марказида турибди. 122 нафар талабага таълим кредитлари ажратилди. Узоқ муддатли "талаба" кредитини сўраб банкка мурожаат қилган 63 нафар йигит-қизга эса 21 миллион сўмга яқин кредит берилди.

ХИЗМАТ

-Тезкорлик, аниқлик ҳамда хушмуомала бўлиш — бу ҳар бир ходимимизнинг иш услубига айланган, — дейди бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Дилшод Ўринбоев. — Чунки вилоятда ўнга яқин банк бор, демак рақобат катта. Оддий эътиборсизлик туфайли мижоздан ажралиб қолиш ҳеч гапмас. Шу сабаб бутун эътиборни хизмат турларини кўпайтириб, шу орқали Халқ банкининг нуфузини кўтаришга ҳаракат қилаяпмиз.

Кичик ва ўрта бизнес вакиллари банк уларни қўллаб-қувватлаётганлиги учун мамнун бўлишмоқда.

-Аризамни банк ходимлари тезда кўриб чиқишди ва менга 10 миллион сўм кредит ажратишди, — дейди ушбу молия муассасасининг бахмаллик фермер мижозларидан бири. — Бу маблағга қорамол ҳамда техника сотиб олдим. Тез орада ишларим юришиб, оиламиз турмуши яхшиланди.

- Банк ходимларининг аниқ ва тез ишлаши менга ҳам маъқул келди, — дея фермернинг фикрини қувватлади Зафаробод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раиси Довур Бердиев. — Аксарияти Халқ банкининг мижозлари бўлган мингдан зиёд фермер хўжалиги билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

Ушбу корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари қувонарли. Ўтган йили 10 миллион 800 минг сўм соф даромадга эга бўлинганди. Фермерлар етиштирган хом ашёни қайта ишлаётган жамоада 2003 йили бу кўрсаткични 25 миллион сўмга етказиш кўзда тутилган. Корхонада 350 нафар ишчи-хизматчининг унумли меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган. Улар учун бепул иссиқ овқат тайёрланади. Ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш учун 7 миллион 560 минг сўм маблағ сарфланди. Завод жамоаси туманда болалар спортини ривожлантириш мақсадида 10 миллион сўм маблағ ажратди.

Корхона пахта толасини Англия, Америка, Россия, Швецария ва бошқа мамлакатларга экспорт қилмоқда. 2002 йил ҳосилидан хорижга 5 минг 200 тонна сифатли пахта толаси етказиб берилди.

Бундай далилларни банк билан ҳамкорлик қилаётган бошқа жамоалар мисолида ҳам келтириш мумкин. Чунки банк ходимлари мижозлар учун зарур шароитни яратиб беришмоқда.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЧИҚИНДИДАН... НАФИС БУЮМЛАР

***Суратларда акс эттирилган хушбичим ва нафис буюмлар – гулдон, ваза, стаканлар, турли шарбатлар солинадиган кўзалар ҳамда бошқа ранг-баранг буюмлар чиқиндилардан тайёрланган десак, айрим муштарийлар ҳайратланишлари мумкин.***



Уларга инсоннинг тадбиркорлиги, изланиши, эркин меҳнат қилиш, моддий манфаат кўриш имконияти берилганлиги шундай мўъжиза яратганлигини айтсак, масаланинг моҳиятини тушунишади, деб ўйлаймиз.

Техника соҳасида кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган, электромеханика бўйича мутахассис Ниғмат ака Исмоиловнинг айрим саноат корхоналарида, хизмат кўрсатиш шохобчаларида уюлиб ётадиган ойна, шиша синиқларини кўрганида хаёлидан "Шу чиқиндилардан зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарса бўлмасмикин?" деган ўй-фикр ўтганди. Бу ғоясини амалга ошириш учун мутахассислар билан гаплашди, турли қўлланмаларни синчиклаб ўқиб чиқди, шиша ва ойна синиқларини печда қиздириш асосида суюлтириб, бошқа шаклга келтириш технологиясини обдон ўрганди. Сўнгра шу иш учун талаб этиладиган техника воситаларини қаердан сотиб олиш мумкин эканлигини аниқлади. Шу тариқа 1993 йили кичик цехга асос солинди.

ИЗЛАНИШ

Дастлабки пайтда уч-тўрт хил буюм ишлаб чиқарилиб, ўн киши иш билан таъминланган бўлса, ҳозир маҳсулотлар тури ўн беш хилдан ошиб кетди, цехда бугунги кунда йигирма киши доимий иш билан таъминланган. Изланиш давом эттирилиб, бирмунча мураккаб маҳсулотлар – электр ёритгичларнинг шиша қопламаларини тайёрлаш йўлга қўйилди.



Тоққа чиққан чўққини кўзлар, деб бежиз айтишмаган. Зангиота тумани Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Адолат" масъулияти чекланган жамияти хориж билан ҳамкорлик қилиш чораларини кўрмоқда.

-Мамлакатимиз молия тизими тобора такомиллаштирилиб борилаётганлиги, яқиндан бошлаб эркин муомаладаги валюта масаласида имкониятлар янада кенгайганлиги биз – тадбиркорларга катта қулайлик туғдирди, - дейди жамият раиси Н.Исмоилов. - Шуни ҳисобга олиб Жанубий Кореядан замонавий ускуналар сотиб олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаяпмиз. Уларни олиб келиб ўрнатгач, ҳозир талаб-эҳтиёж катта бўлган 50, 100, 200, 300 грамм сиғимли банкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

**С.АЛИЕВ**

***Паст Дарғом – Самарқанд вилоятидаги энг йирик туманлардан бири. Шу туфайли унинг "оқ олтин" хирмони ҳам шунга яраша. Йиллик режа – 36.100 тонна.***

# ЗАЛВОРЛИ КАРВОН

Куни кеча туман пахтакорлари ана шу юксак маррани забт этдилар. Ҳосилдорлик гектарига 24 центнердан ошди. Тумандаги "Янгиобод", "Шарқ юлдузи", "Зарафшон", Охунбобоев номли, Бойтура Кўмаков номли хўжаликлар пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшишди.

**М.ЗИЁДИНОВ**

# "МОНТЕ КАРЛО" МАЛИКАСИ

***Бу аёлнинг хайрли ишлари ҳақида менга бошқалар сўзлаб беришди. Қайсидир йилларда у бор-будини, ҳатто уч килограммгача келадиган тилла асбобларини сотиб, пулини етимхонага ўтказган.***

Ҳозир йирик фермер хўжалигини бошқаради. Пахта, ғалла етиштиради. Элликтача қорамоли бор. Учта жойда озиқ-овқат ва қурилиш жиҳозлари билан савдо қилувчи шахсий дўконлари ишлаб турибди. Ҳар йили миллион-миллион даромад қилади. Топганининг тўқсон фоизини боғчаю мактабларга беради. Яқиндагина тумандаги хайрли ишлар учун 14 миллион сўм пул ажратди! Лекин, бу аёлнинг уйига борсангиз... Қуруқ тўрт деворнинг ўзи, ҳатто бирорта гилами йўқ!

Аввалига фермер опа мени совуққина қарши олди.

-Опа, яхшиликларга бош қўшиб юрганингизни эшитиб, бир танишиш учун келавердим. Майли, хоҳламасангиз гапирманг...

Марҳамат опа ўрнидан туриб ёнимга келди.

-Ҳай, танишсак танишибмиз-да.

Индамасдан у кишининг ортидан эргашдим. Йўл-йўлакай у гапирди, мен эшитдим.

-Биласизми, яқин-яқингача менга таниш бўлган бир аёл бор эди. Феъли оғир, тили кескир, ўзи чапдаст, бир ишга киришса, албатта охирига етказарди. Бу одати унинг эрига кўпам маъқул келавермасди. Ахир аёл дегани мўмин-қобил бўлиб уйда ўтириши керак-да, деб ўйларди у. Хуллас, шу аёл тадбиркор бўлишга аҳд қилди. Аммо, ишни бошлаган кунининг эртасигаёқ ўзи қишлоқдан ғойиб бўлиб қолди. Қаёққа кетди, нима учун, ҳеч ким билмасди. Икки кун ўтиб одамлар орасида хунук мишмиш тарқалди. "Бу аёлни кимдир ўлдирган экан, жасадини тепаликдан топишибди!" Кейин яна гап-сўз кўпайди. "Ҳали ўлмаган экан, аҳволи оғир, боши шикастланган, пойтахтга касалхонага олиб кетибдилар!" Бу аёл бир йилга яқин шифохонада даволанди. Тузалиб қайтди. Бошлаган ишини давом эттирди. Хўш, қойилмисиз?

-Бир ўлиб тирилибди-да, Шу аёл ҳалиям ҳаётми? – дедим ҳайратимни яширолмай.

-Сизнинг рўпарангизда турибди, - деди Марҳаматхон опа юзимга тикилиб.

-Наҳот сиз... У ишни ким қилган эди?

-Эрим. Болаларимнинг отаси. "Тадбиркор бўлиб кетса мендан устун келади" деб ўйлаганми... Мени ерга кўмиб, сўнг ўзи қочиб кетган. Икки йил ўтгач, узр сўраб келди. Ҳеч нарса демадим. Мана, яшаяпмиз...

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР

-Кечирдингизми?

-Аёл киши кўп нарсага қодир бўларкан. Қирқта жони борлигиям рост. Ҳаммасини яхшиликка сарфлайди. Аёл зоти кек сақлашни, ўч олишни билмайди. Кейин мен ўзимни меҳнатга урдим. Аслида меҳнатнинг хосияти кўп. Кўнгилдаги аламларни кетказгувчи ҳам – меҳнат. Инсоннинг умрига умр қўшиб, шаънини поклагувчи, номини кўтаргувчи ҳам меҳнат. Очиғи, ўша воқеадан сўнг ишда ўзимни кўрсатишга аҳд қилдим. Умрим борича доимо одамлар хизматида бўламан деб ўз-ўзимга сўз бердим...

Марҳаматхон опанинг сўзларини эшитиб, кўнглимдан анча-мунча хаёллар ўтди. Баъзи бировлар ҳаётнинг оғир синовларига дош беролмайдилар. Шундай кезда тушкунлик гирдобида қоладилар, тезда машаққатлардан ўзларини четга олиб, жонларини асраб-авайлаш пайида бўладилар. Хўш, Марҳамат опа нега шундай қилмади? Уни фақат олдинга етаклаган куч нима? Одамларга меҳрми? Инсоний туйғуларга садоқатми? Ё уч фарзанднинг камолини, ғурурини ўйладимикин? Ёинки ерни жону дили билан ардоқлайдими у?!

-Оддий, меҳнаткаш отамнинг менга қайта-қайта айтгувчи бир сўзи бор эди. "Киши учун дунёдаги энг ёмон нарса доғ қолдириш, энг яхши нарса - ном қолдириш!" дерди у. Бу ўгит бир умр қулоғимда қолган, - дейди Марҳаматхон опа.

...Самарқанднинг Қўлбости қишлоғи Ғўбдинтоғ этакларида жойлашган. Ҳавоси мусаффо, ён-атрофида жилғалар оқиб ётади. Марҳаматхон шу қишлоқда ўсиб улғайди. Мактабни олтин медал билан тамомлади. Биттагина имтиҳондан ўтдию университетнинг чет тиллар факультетига қабул қилинди. Мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Кейин... Жиззахга келин бўлиб узатилди. Дастлаб савдо-сотиқ ишида ўзини синаб кўрмоқчи бўлди. Кўп ўтмай катта универмаг директорлигига тайинланди. Бироқ... Савдо ишидаги айрим қинғирликлар, рост-ёлғон ваъдалар, ноҳақликларни кўриб Марҳаматхон опа ўзини четга тортди. Бундай хизматдан кўра ер олиб деҳқончилик қилиш ёки чорва моллари боқиш афзалроқдек туюлди. "Меҳнатинг ҳалол бўлса, берингга ўн қўшилаверади!" дер эди отаси. Мана, ўн йилдан ошди, унинг тадбиркорлик фаолияти равнақ топди, эл-юртга фойда келтирди.

Марҳаматхон опанинг исми кўпдан бери "Монте Карло" бўлиб кетган. "Монте Карлони йиғилишга чақиринглар", "Монте Карлонинг ғалласи ўримга келибди", "Монте Карлонинг пахтаси..." Хуллас, шунақа гаплар. Монте Карло ким ўзи? Марҳаматхон опа ўзининг фермер хўжалигига нега айнан шу номни танлаганикин? Опадан шу ҳақда сўрадим.

-Биласиз, Монте Карло машина ишлаб чиқарувчи машҳур киши сифатида тарихда қолган. Ғарбдаги йирик шаҳарлардан бирига номи ҳам қўйилган. Ўша одам аслида кўп қийинчилик кўрган экан, бироқ мақсадидан чекинмаган. Матонатли одам бўлган-да. Мен балки унинг шу фазилатига ҳавас қилгандирман... Кўриб турибсиз, оддий, тўпори аёлман. Оёғимда кирза этик... Тўй ва маъракага ҳам, ҳокимликдаги йиғинга ҳам, далага ҳам шу этикда бораман. Чунки мен деҳқонман.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ томонидан якка тартибдаги тадбиркор Садиков Алишер Абдуганиевич номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги МЧЖ "Аҳмад ота" корхонаси (ОКПО бўйича код: 15306489) тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Манзил: Ш.Рашидов кўчаси, 77-уй.

Тошкент шаҳар А.Икромов тумани ИИБ томонидан якка тартибдаги тадбиркор Садикова Мавлюда Негматовна номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "SUIDI" МЧЖ ўз фаолиятини тугатади. Даъво ва аризалар эълон босилган кундан бошлаб икки ой ичида қабул қилинади. ОКПО бўйича код: 18308520. Манзил: М.Торобий кўчаси, 10-уй. Тел: 51-42-45

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ИЖОБИЙ СИЛЖИШ

***Шимолий Кореянинг ядровий дастури борасидаги зиддиятлар бирмунча юмшаганга ўхшаяпти. Бир ойча аввал муаммони муҳокама этиш учун АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Жанубий ва Шимолий Корея иштирокида ўтказилган олти томонлама музокара бесамар якунланган эди.***

Энди музокарани янги босқичда давом эттириш режалаштирилаётир. Японияда чоп этиладиган, «Иомиури» газетасининг хабар қилишича, АҚШ КХДРнинг хавфсизлигини ёзма равишда кафолатлаш имкониятини ўрганиб чиқмоқда.

Маълумотларга қараганда, Оқ уй маъмурияти Пхенянга хавфсизлик кафолатини ёзма равишда беришнинг икки босқичли лойиҳасини кўриб чиқаётир. Биринчи босқичда чекланган муддатга кафолат берилади. Яъни, музокара боши берк кўчага кириб қолса, кафолат бекор қилинади.

Иккинчи босқичда эса, Шимолий Кореяга муддатсиз кафолат берилиши керак. Бунинг учун КХДР ўзининг ядровий дастурини тўхтатиб, халқаро назоратчилар фаолияти учун йўл очиши керак.

Хитой вакиллари олти томонлама музокаранинг янги босқичига катта умид боғламоқда. АҚШда меҳмон бўлиб турган ХХР ташқи ишлар вазири ўринбосари Ван И журналистлар билан учрашувда бу галги музокарада КХДРнинг ядровий муаммоларини ҳал этишга албатта имконият бўлажагини айтди.

Хитойлик дипломат олти томонлама музокарани давом эттириш юзасидан АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ва унинг ёрдамчиси Жеймс Келли билан маслаҳатлашди. Хабарларга қараганда, музокара шу йилнинг декабрида ёки келаси йил январда ўтказилади.

## САЙЛОВДАН КЕЙИНГИ ГРУЗИЯ

***Иккинчи ноябр куни Грузияда парламент сайлови бўлиб ўтган эди. Бир ҳафтадан кўпроқ вақт ўтяптики, сайлов якунлари ҳақидаги баҳс-мунозаралар тўхтамаяпти. Бунинг биринчи сабаби мухолифларнинг президент Эдуард Шеварднадзе етакчилик қилаётган «Янги Грузия учун» гуруҳи ғалабасини тан олмаётгани бўлса, иккинчидан, айрим сайлов участкаларида овоз бериш жараёни бузилганидир. Буни марказий сайлов қўмитаси ҳам тан олмоқда.***

Энди мамлакатдаги жами 2870 сайлов участкасидан 27 тасида қайта сайлов бўлади. Қайта овоз бериш 16 ноябрга белгиланди. Шунингдек, яна ўн участкада бирорта ҳам номзод етарлича овоз ололмаган. Мазкур участкаларда ҳам 23 ноябрда қайта сайлов ўтказилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, сайлов участкаларининг 95 фоизида Эдуард Шеварднадзе етакчилик қилаётган «Янги Грузия учун» гуруҳи 21 фоиз овоз билан биринчи ўринда бормоқда. Аджария республикаси раҳбари Аслан Абашидзе йўлбошчилик қилаётган «Уйғониш» партияси эса 20 фоиз билан кифояланди.

Мухолифатдаги «Миллий ҳаракат» ва «Буржанадзечи демократлар» 3 ва 5 ўринларни эгаллади. Халқ орасида обрўси катта саналган «Лейбористлар» партияси эса 12 фоиз овоз олишга муваффақ бўлди. Бироқ ҳисоб-китоб ҳали ниҳоясига етгани йўқ.

Сайлов натижаларидан кўнгли тўлмаган мухолифлар парламент биноси олдида намойиш уюштирмоқда. Шанба куни бошланган намойиш якшанба куни ҳам тарқалмади. Мухолифлар етакчиси, парламент раиси Нино Буржанадзе намойишчиларга кураш тинч ва қонунларга амал қилинган ҳолда давом этирилишини айтди.

## ҚЎПОРУВЧИЛИК ҲАРАКАТИ

***Саудия Арабистони ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, Ар-Риёдда амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракатлари оқибатида қурбон бўлганлар 17 кишидан ошган. Улар орасида болалар ҳам бор.***

Шунингдек, портлаш содир этилган «Ал-Муҳайя» турар-жой мажмуида истиқомат қилувчи 122 киши оғир жароҳат олган.

## ҲАЛОКАТ ЮЗ БЕРДИ

***Туркиянинг Қирққалъа туманида йирик автомобил ҳалокати юз берди. Оқибатда 17 нафарга яқин йўловчи воқеа содир бўлган жойида ҳалок бўлди, ўнлаб одам оғир жароҳатланди.***

Маълумотларга қараганда, микроавтобус йўлдан чиқиб кетиб, қарши келаётган юк машинасига урилган. Хабарда айтилишича, ҳалокатга йўлнинг намлиги сабаб бўлган.

## ТАРТИБСИЗЛИК ОҚИБАТИ

***Порт-Судан шаҳрида хайр-эҳсон улашиш тадбирида юзага келган тўполон оқибатида 31 киши ҳалок бўлди, 48 киши жароҳат олди.***

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, ушбу фожиа суданлик йирик бизнесменлардан бири Ҳофиз Саид ал-Барбаранинг идорасида юз берган.Ҳалок бўлганларнинг аксарияти аёллар ва болалардир.

**(ЎзА)**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 11 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 693,77 | 1 Польша злотийси | 244,16 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1632,99 | 1 СДР | 1384,28 |
| 1 Дания кронаси | 151,32 | 1000 Туркия лираси | 0,65 |
| 1 БАА дирхами | 265,72 | 1 Швейцария франки | 715,74 |
| 1 АҚШ доллари | 975,91 | 1 ЕВРО | 1124,35 |
| 1 Миср фунти | 159,20 | 10 Жанубий Корея вони | 8,31 |
| 1 Исландия кронаси | 12,79 | 10 Япония иенаси | 89,16 |
| 1 Канада доллари | 737,98 | 1 Россия рубли | 32,74 |
| 1 Хитой юани | 117,91 | 1 Украина гривнаси | 183,03 |
| 1 Малайзия ринггити | 256,85 | | |

**Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Фозилов Шерзод Фатхуллаевичга тегишли муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный гос.ордер № 09-01/2077 от 5.02.93 г. права собственности Туйчиевой Марии Наумовны на квартиру, считать недействительным.

Утерянный круглый печать ЧП "IJODKORLAR", выданный Мирзо Улугбекским РОВД г.Ташкента от 15.08.2003 г., считать недействительным.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 19-сонли хўжаликлараро автокорхона ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тугатилиб, масъулияти чекланган жамият ХАА № 19 га айлантирилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри Бектемир тумани Бинокор қўрғони Соҳил кўчаси. Тел. 58-71-03.

ЯХШИ ХАБАР

# ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

***“Ўзбектелефилм” студияси ижодкорлари республикамизда ғалла мустақиллигига эришиш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи “Тўкинлик” телевизион ҳужжатли филмини яратишди.***

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда қийинчиликлар, ғалла ва нон маҳсулотларининг етишмаслиги туфайли қалтис вазият юзага келган эди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ғалла мустақиллигига эришиш йўлида олиб борган сиёсати бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Қишлоқ хўжалиги замонавий техника билан таъминланмоқда, фермер хўжаликларига янгиликларни жорий этишдек масалалар ҳам ўз ечимини топмоқда. “Тўкинлик” фильми шу масалаларни қамраб олган.

Фильмда ғаллачилик тарихига ҳам тўхталиб ўтилган. Унда тарих фанлари доктори А.Маврулов дон маҳсулотларини етиштириш қадим қадимдан ўзбек халқининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутганлигини таъкидлайди. Ўша ғаллазорлар шўролар ҳукмронлиги даврида пахта майдонларига айлантирилди. Мамлакатимизга бошқа ўлкалардан ғаллани келтирилишидан биргина мақсад, Туркистон пахтасининг сифат жиҳатдан АҚШ пахтасидан устунлигида эди.

Хуллас, фильм томошабинга мамлакатимиз ғаллачилиги, унинг тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида батафсил маълумотлар беради.

**“Туркистон-пресс”**

# ҒАЛАБА ШОДЛАНТИРИБ, МАҒЛУБИЯТ ЙИҒЛАТМАСА...

**(Боши 1-бетда)**

Уларга гоҳ “Насаф”, гоҳо “Қизилқум”ми ёки бошқа бирор клуб фақатгина таъқибчига айланишади, холос. Тамом-вассалом.

Савол туғилади: нега олий лигада юз бериши мумкин бўлган ҳолатни ҳали “старт” берилмасданоқ сал адашиб бўлса ҳам айта оламиз? Бу йилги беллашувлар ниҳоясига етди, айтинг-чи, Ўзбекистон футболи кўзга ярқ этиб ташланадиган бирор футболчини кашф этдими? Спортчилардан ким ўзини тенгсиз эканлигини, айтайлик, ҳеч бўлмаса Миржалол Қосимовнинг маҳорати даражасига кўтарила олганини исботлади?

Баъзан оммавий ахборот воситалари орқали олий лиганинг ҳали у, ҳали бу жамоаси аъзоси чиқиш қилиб, мен “профессионал футболчиман” деган иборани ишлатишади. Ёки баъзи командаларни ПФК, яъни “профессионал футбол клуби” деб аташади. Аслида ПРОФЕССИОНАЛ бўлиш ёхуд шу номга лойиқ иқтидорни намойиш қилиш керакмасмикин? Миржалол Қосимов ва Максим Шацкихни сўзсиз профессионал, дейиш мумкин. Ички чемпионатимизда иштирок этаётган спортчиларимизни қўя турайлик, шу иккала футболчимиздан бўлак, ҳатто легионерларимиздан яна кимни профессионал сифатида ўта маҳоратли спортчи, дея олиш мумкин? Футболда, халқаро мусобақаларда юксак маҳорат кўрсатиб, чет эл мутахассислари, матбуоти, оммавий ахборот воситалари назарини тортган спортчиларимиз сони, афсуски, кам, жуда камдир.

Профессионал деган номни олган футболчи, энг аввало, майдонни тўлиқ кўра билиши, тўпни қабул қилиб олишдан олдин уни жуда тез фурсатда кимга оширишни англаши, рақибнинг икки-уч футболчисига бас кела оладиган ишонч ва индивидуал маҳоратга эга бўлиши, ўзини йўқотиб, шошқалоқлик қилмаслиги, тез учиб келаётган тўпни жуда майин тўхтатиб, ўз хоҳишига бўйсундириши, жарима майдонида тўпни узоқ сақламай, тўхтатиб ўтирмасдан дарвозага йўллаши, тез ва доно ҳаракат қилиши, бош билан “иккинчи қават”да ўйнай олиши, янада муҳими – шеригига тўпни аниқ-равшан етказиб бериши талаб этилади. Миржалол билан Максимдан бошқа шундай спортчимиз борми? Бундай шарафга муяссар бўлиш учун, аввало, ишни футбол мактаблари сони ва сифатини яхшилашдан бошлаш, профессионал клубга ўтгач эса спортчи тинимсиз ва мунтазам ўз устида ишлаши керак.



Афсуски, ҳозирча бу борадаги натижаларимиз билан фахрлана олмаймиз.

Энди бевосита учрашувларга ҳакамлик хусусида. Бу йил “Пахтакор”нинг ютиши-ю, сўзсиз чемпион бўлиши биринчидан, мамлакатдаги бор тажрибали футболчиларни йиғиб олгани билан изоҳланса, иккинчидан, ҳам ўз майдонида, ҳам сафарда ўйинларни баъзан тошкентлик ҳакамларнинг бошқариши билан боғлаш мумкин. Тавба, бу нимадан далолат? Бошқа жамоалар ўгайми? Ёхуд “Па-ах-та-а-ко-ор”нинг ўйинини вилоятлар ҳакамлари бошқара олишмайдими? Қайси мамлакат чемпионатида бунақа ҳолат кузатилади? Балки айнан шунинг учун ҳам бош ўйингоҳимиз доимо мухлислар билан лиқ эмасдир?!

Биргина Россия чемпионатини олайлик. Москванинг бирор жамоаси билан вилоятлардан келган клублар учрашувини ҳали бирор марта москвалик ҳакамлар бошқаришмаган.

-Олий лига ўйинларини бошқарадиган 18 нафар ҳакамдан фақат 5 тасигина вилоятлардан холос, - дейди Ўзбекистон футбол федерацияси мусобақаларни ўтказиш бўлими бошлиғи Алишер Никимбаев, - нима қилиш керак? Энди жойлардан ёш ҳакамларни чақириб, семинар ўтказмоқчимиз. Аммо бу муаммо бир йиллик эмас.

“Пахтакор” чемпион бўлгунга қадар мағлубият аламини тотиб кўрмади, ҳисоб. Эшак сувдан ўтган чоғда эса аутсайдерлар – “Сурхон” ва “Қўқон-1912” жамоаларига “ҳиммат” кўрсатди. Принцип қани? Нега чемпионга хос маҳоратини охиригача кўрсатмади.

Агар водийликлар сўнгги учрашувда ғалаба қозонмаса, олий лигани тарк этиши аниқ эдику. Хўш, шу нарса “Пахтакор” обрўсига ярашадими?

-Тўғриси, “Пахтакор”-нинг асосий 7 нафар ўйинчиси бу ўйинда иштирок этмади, - дейди Алишер Никимбаев. – Бу футболчилар миллий термага жалб этилган эди. Буни мухлислар тўғри тушунади, деб ўйлайман.

Бутун чемпионат давомида жамоаларимизнинг ярмидан кўпи муқобил ўйин кўрсатмади. Ҳали ҳам бизда ҳимоя чизиғи ниҳоятда бўш. Гоҳо пешқадамларимиз ҳам голлар шодасини бўйнига илишди.

Кейинги пайтларда юртимизда спортни, хусусан футболни ривожлантиришга катта эътибор беріляпти. Шу муносабат билан янги ўйингоҳлар қуриляпти. Чунки мавжуд ўйингоҳларимизнинг аксарияти ФИФА талабига жавоб бермайди. Шундай экан, ҳар бир вилоятда биттадан чиройли, майдони текис, журналистлар, телерепортёрлар учун шароитлар яратилган ўйингоҳ бўлиши лозим. Янги иншоотларни барпо этаётган мутасаддилар отнинг калласидай маблағни узоқни ўйлаб сарфласалар нур устига нур бўлур эди.

Олий лига жамоалари ўйинларини телевидение орқали трансляция қилиш масаласида ҳам янада жиддийроқ ўйлаб кўриш кераккa ўхшайди. Баъзан битта телекамера билан 90 дақиқали ўйинни намойиш этиш қашшоқликни эслатади.

Хуллас, Ўзбекистон футболи ислоҳотларга муҳтож. Қачонки унинг ғалабасидан руҳланиб, мағлубиятидан йиғламас эканмиз, демак, “ниманидир унутаяпмиз”.

**Мақсуд АКРАМОВ,**
**шарҳловчи.**

# SPORT OLAMIDA

## КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

***2004 йили Хитойда ўтадиган футбол бўйича Осиё чемпионатининг ўтган ҳафта пайшанба куни Тошкентда бошланган “А” гуруҳи саралаш баҳсларида иштирок этаётган Таиланд, Тожикистон, Гонгконг ва Ўзбекистон терма жамоалари “Пахтакор” ҳамда “Жар” спорт мажмуаси стадионларида мухлисларга ажойиб футбол ўйинларини намойиш этишди.***

Кўпчилик ушбу гуруҳда асосан Ўзбекистон ва Таиланд терма жамоаларини ғолибликка даъвогар ҳисоблаганди. Аммо таиландлик чарм тўп усталарининг Тошкентда омади келмади. Тожикистонликлар билан бўлиб ўтган дастлабки учрашувда улар анча бўш ўйин кўрсатишди. Балки меҳмонларга Ўзбекистоннинг салқин куз ҳавоси ҳалақит бергандир. Нима бўлганда ҳам улар биз билган таиландча ҳужумкор, тезкор ўйин кўрсата олишмади. Спортда омадга ҳам кўп нарса боғлиқ. Ён қўшниларимиз бўлмиш тожиклар ҳам гарчанд ҳайратомуз футбол намойиш қила олмаган бўлсалар-да, учрашувнинг 80-дақиқасида рақиблари дарвозасига гол кирита олишди. Акмал Холматов томонидан оширилган тўпни мухлисларимизга яхши таниш бўлган Раҳматилла Фузайлов таиландликлар дарвозасига аниқ йўллай билди. Учрашув тожикистонликларнинг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Шу куни кечқурун “Пахтакор” марказий стадионида Ўзбекистон ва Гонгконг терма жамоалари ҳам дастлабки учрашувни ўтказишди. Бош мураббий Равшан Ҳайдаров термамизга асосан Россия, Украина ва Молдова клубларида тўп сураётган легионерларимизни жалб қилди. Шу туфайли устунлик тўлиқ ўзбекистонлик футболчилар томонидан бўлди. Майдонда тўп билан эркин муомала қилиш, бир-бирига аниқ узатиш, чиройли комбинациялар уюштириш борасида ҳамюртларимиз анча устунлик қилишди. Шу куни гонгконгликлар дарвозабони ўз дарвозаси тўридан тўрт бора тўп олиб чиқди. Мухлисларни қувонтирган голларни дарвозага Акопянц, Солиев, Шишелов (2 марта)лар йўллашди. Учрашувда меҳмонлар ҳам бир бора тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Ўйин 4:1 ҳисобида якунланди.

Шанба кунги мусобақаларни Тожикистон – Гонгконг терма жамоалари бошлаб беришди. 90 дақиқа мобайнида ҳар иккала терма жамоа томонидан уюштирилган ҳужумлар самара бермади. Ва томонлар муроса йўлини танлашди. Ҳисоб 0:0.

Шу куни “Пахтакор” марказий стадионига ташриф буюрган ишқибозлар эса ажойиб футбол спектаклининг гувоҳига айланишди. Майдонда Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари таиландлик рақибларига қарши тўп суришди. Ушбу ўйинга мураббийлар Владимир Маминов, Олег Пашинин ва Максим Шацкихларни ҳам жалб қила олишди. Терма жамоамиз шу куни энг кучли таркибда майдонга тушди. Таиландликлар ҳам дастлабки ўйиндагига нисбатан бу сафар анча дадил ҳаракат қилдилар, қарши ҳужумлар уюштириб, узоқ масофадан мезбонлар дарвозасини нишонга олишга интилишди. Аммо дарвозабон Нестеров, шунингдек, Пашинин, Алиқулов, Фёдоров сингари тажрибали ҳимоячиларимиз дарвоза даҳлсизлигини сақлай олишди. Биринчи бўлимда Шацких ва Шишелов ҳисобни 2:0 га етказишган бўлса, иккинчи бўлимда Шишеловнинг ўзи учинчи тўпга ҳам муаллифлик қилди. 3:0. Кеча Таиланд – Гонгконг, Ўзбекистон – Тожикистон терма жамоалари ўзаро куч синашишди. Унда гонгконгликлар таиландликларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, терма жамоамиз ва тожикистонлик футболчилар ўртасидаги учрашувда ҳисоб очилмади.

## “УМИД НИҲОЛЛАРИ”

***Республика Халқ таълими вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамғармаси ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган “Умид ниҳоллари” мусобақаларининг биринчи босқичига старт берилди.***

Шу муносабат билан Юнусобод туманидаги 240-умумтаълим мактабида 1-4 синф ўқувчилари ўртасида баҳслар ўтказилди. Спортнинг шоҳмот, шашка, футбол, мерганлик каби турлари бўйича уюштирилган беллашувларда ташкилотчилар болажонларимизнинг чаққонлиги, эпчиллиги, зукколигини яна бир бор синовдан ўтказишди. Қизиқарли кечган мусобақалар якунида ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

## МУРАББИЙЛАР УЧУН СЕМИНАР

***Юртимизда велоспорт тури ҳам ёшларнинг севимли машғулотларидан бирига айланиб бораяпти.***

Буни кейинги йилларда кўпгина иқтидорли ёшларнинг ушбу спорт тури билан астойдил шуғуллана бошлаганликлари, жойларда велоспорт бўйича клублар ташкил этилаётганидан ҳам сезиш мумкин. Куни кеча тегишли мутасаддилар, мутахассислар ва мураббийлар иштирокида ушбу спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирларига бағишланган анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси ташаббуси билан Олимпия бирдамлиги ва Велосипедчилар халқаро уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинарда велоспорт мураббийлари малакасини ошириш масалалари муҳокама этилди.

## ТАКЛИФ РАД ЭТИЛДИ

***Австриянинг “Проф боксинг интерол” уюшмаси вакиллари профессионал боксни ривожлантиришда мамлакатимиз боксчилари билан ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида пойтахтимизга ташриф буюришди.***

Юртимизда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар билан яқиндан танишган хорижлик мутахассисларга иқтидорли чарм қўлқоп усталари Рустам Саидов ва Икром Бердиевларнинг ҳаракатлари маъқул келиб қолди. Боксчиларимиз эса австриялик промоутерларнинг уларни ўз уюшмаларига таклиф этганликлари учун миннатдорчилик билдиришди ва профессионал боксга ўтишларига ҳали бироз эрта эканлигини таъкидлашиб, хорижликлар таклифини рад этишди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ

**(Боши 1-бетда)**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига қараганда, дунё бўйича 2003 йилда сайёҳлар оқими 656,9 миллион кишини ташкил этди. 1950 йил билан таққослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич эса 25 баробар ўсган. БМТ тахминига қараганда, сайёҳлар сони 2010 йилда миллиард нафарни ташкил этаркан, бундан 525 миллион нафари Марказий ва Шарқий Европага тўғри келади.

1998 йил дунё давлатларига халқаро туризмдан келган даромад 500 миллиардга яқин долларни ташкил қилди. Бу соҳа нефт ва автомобил экспортидан кейин 3-ўринга кўтарилди ва 2005 йилга келиб туризм Жаҳон миқёсида биринчи ўринга кўтарилиши керак.

Халқаро туризм аҳоли бандлигига катта таъсир кўрсатади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, саноатда 100 миллонга яқин одам ишламоқда ва 2005 йилга келиб, дунёнинг меҳнатга лаёқатли ҳар саккиз кишидан бири бу соҳада фаолият кўрсатади. Туризм саноати махсус малака талаб қиладиган жараён. Шунинг учун бу соҳада асосан малакасиз ҳолатда ишлаш оғир кечади. Ушбу тармоқда янги иш ўринлари иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қараганда тез тарқалади. Дунёда туризм ривожланишига илмий-техникавий юксалиш, аҳоли яшаш даражасининг ошиши, бўш вақтнинг кўпайиши, иқтисодий ва сиёсий барқарорлиги ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади.

Жаҳон Туристик ташкилоти тадқиқотларига кўра ҳозирги кундаги дунё бўйича туристлар оқими тақсимоти келажакда ҳам сақланиб қолади. Европа ва Америка минтақалари улуши 2010 йилга келиб бироз қисқариб, Шарқий Осиё ва Тинч Океани (ШОТО) минтақаси улуши ортиб боради. Шуни таъкидлаш жоизки, ШОТО минтақасининг улуши 5 фоизга ўсади. Европада бу кўрсаткич шунча миқдорга камаяди. Тахминларга кўра, 2000 йилдаги йиллик ўсиш кейинчалик Европада 2,7 фоиз, ШОТОда эса 6,8 фоизни ташкил этади. Дунёнинг бошқа минтақаларида эса ўсиш суръатлари қуйидагича: Жанубий Осиёда-6,1, Африкада 5, Яқин Шарқда эса 4 фоизни ташкил этади.

Европа минтақасининг прогнозлари анча хавотирли. 2000 йилдаги йилига 2,7 фоиз ўсиш, 2000-2010 йилларга келиб 2,5 фоизга тушади. Бунда Европа давлатларининг халқаро туризмдаги улуши қисқариб бориши кўзга ташланмоқда. Айнан шу таҳликаларга кўра, Европага келувчи сайёҳлар 2003 йилда 397 миллион кишига етади. Ўсиш суръати нисбатининг пасайиши Европанинг маълум туризм турларига боғлиқлиги билан ҳам белгиланади. Бунга Ўрта Ер денгизи қирғоқ бўйи давлатлари мисол бўла олади. Америка минтақаси бўйича ўсиш сураъти 1995-2000 йилларда 5,1% бўлиб, дунё бўйича ўртача кўрсаткич 4,4 фоиздан баланд, 2010 йилгача бўлган даврда бироз пасайиш сезилса-да, дунё кўрсаткичидан тушмайди. Америка минтақасига келувчи сайёҳлар, 2003 йилга келиб 140 миллион кишига, 2010 йилда эса 195 миллионга етади. Тадқиқотларга кўра минтақада Шимолий Америка устунлигини сақлаб қолади. Шунингдек Кариб ҳавзасига Лотин Америкасига нисбатан кўпроқ туристлар ташриф буюради.

Осиё минтақасига туристлар ташрифи дунё кўрсаткичидан 2 марта кўп бўлиб, 2000-2003 йилларда 6,8 фоизни , 2003-2010 йилларда ҳам 6,8 фоизни ташкил қилиши мумкин. Бундай ўсишни минтақа ичида ташрифлар сонининг ўсиши - 1980 йилдаги 49 фоиздан 2010 йилда 79 фоизга юксалгани билан ҳам изоҳласа бўлади. ШОТО минтақасига хорижий сайёҳлар ташрифи 2000 йилда 122 миллион кишига, 2010 йилда эса 229 миллион кишига етади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ҳам иқтисодий тушкунлик ҳолатларига қарамай туризм тараққий этиб бораверади. Зеро туризм талаби маълум ўзига хосликларга эга. Лекин энг катта ўзгаришлар олдинги йилларда фарқли равишда сайёҳлар оқими тақсимотида юз беради. Қарашларга кўра ШОТО минтақаси яхши ютуқларга эришиб, Америка ва Европадан ўзиб кетади. Шунингдек, Яқин Шарқ, Америка ва Жанубий Осиё аста-секин ривожланиб борса, Европа ва Америка ўз ўринларини бу соҳада, яъни сайёҳлик жалб этилиши бўйича бой бера бошлашади. Бир нарса аниқки, туризмдаги халқаро нотенглик анча сезиларли. Бутун дунёда тенгликка эришиш учун эса халқаро туризм тараққиёти халқаро кооперация ва туризм тармоқлари ўртасида ҳамкорлик зарур. Бугун туризм инсоният тараққиётининг ва хусусан, дунё иқтисодиётининг муҳим мезонига айланди.

**Муҳаммадали ЭШНАЗАРОВ,**
**Тўлаган СОДИҚОВ,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўқитувчилари.**

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ДУНЁ

# КЕЛАЖАКДАН КЕЛГАН ОДАМ

***Рус киноижодкорлари томонидан суратга олинган “Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради” фильмидаги вақт машинасини ихтиро қилган йигитнинг саргузаштларини мириқиб томоша қилмаган одам бўлмаса керак.***

Унинг, айниқса, кўзойнак ортидан маъноли нигоҳларини деворга тикиб, қудратли машина ёрдамида қадимий Россияга “сафар” қилиш чоғини эсланг... Кўз очиб-юмгунча хона девори ўрнида подшоҳнинг саройи ичкариси пайдо бўлгани ёдингиздадир...

Бу-ку, ижодкор хаёлотининг маҳсули, холос. Бироқ, ҳозир сизга ҳикоя қилиб берадиган воқеамиз хаёлот меваси эмас, аниқ далил-исботларга асосланган ғаройиб ҳодисадир.

Уолл-стрит биржа марказида шу йилнинг 28 январ куни Эндрю Карлссон исмли биржа даллоли ҳибсга олинади. Қонун посбонларини дунё сиёсати қил устида турган ва иқтисодиётнинг барча параметрларидаги вазият “ўйнаб” турган бир паллада бу йигитнинг қаторасига 126 та савдо операцияларида иштирок этиб, 800 долларлик дастлабки қўйилмасини қандай қилиб 350 миллион долларгача чиқара олгани қизиқтириб қолганди. Акция бозоридаги мусбат ва манфий қоидаларга асосланган савдо операцияларида, ҳаттоки маnаман деган тадбиркорлар ҳам “синаётган” пайтда ёшгина йигитчанинг бу қадар муваффақият қозониши ростдан ҳам ғалати эди. Омадли жентельменнинг қаторасига 126 та савдо операцияси жараёнида ўз маблағини ошира олганини “бахт қуши” билан боғлаш ақлсизлик бўларди.

“Бу ерда иқтисодий найранг йўқмикин?”, дея шубҳага борган солиқчилар Эндрю Карлссоннинг... аслида 2256 йилдан ташриф буюрган меҳмон эканлигию, бу ердаги савдо операцияларида беш йилдан сўнг туғилувчи бобокалонининг номидан иштирок этиб, кейинчалик барча маблағни банкдан ҳисоб рақами очдириб, ўттиз йилдан сўнг олиш шарти билан шу ерга “музлатиб” қўйишни режалаштирганлигини эшитишгач, худди фильмдагидек, дарҳол жинниҳонага қўнғироқ қилишади.

-Бизнесда таваккал қилган ютади, - дейди Нью-Йорк штати қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси аъзоси Авель Сидлтон “Вашингтон пост” газетасига интервью бераркан. – Аммо, ҳеч ким кутилмаган инқироздан ҳимояланмаган. Устига устак, арзимас маблағ билан бу даражага етишиш ҳам Аловуддиннинг сеҳрли чироқ топиб олгани билан баробар.

Шифокорлар омадли йигитни соғлом, деб топишди.

Тергов жараёнини олиб бораётган полиция изқувари Николас Анджейнинг айтишича, Эндрю Карлссон бир неча бор унга ўзининг озодлиги эвазига бир қанча “тарихий сирлар”ни, масалан, биринчи рақамли террорчининг яшириниб юрган ерию, СПИД хасталигининг давосигача айтиб беришини таъкидлаган.

-Очиғини айтсам, унинг гаплари хаёлотдан бошқа нарса эмас, - дейди изқувар. – Бироқ, ҳозиргача на полиция, на федерал қидирув бюроси 2002 йилнинг декабрига қадар Эндрю Карлссон исмли шахс бўлгани ҳақида ҳеч қандай маълумотни топгани йўқ. Ташқи кўринишлари у билан тўғри келадиган бошқа исмдаги киши ҳам топилмаган...

Қидирув ҳали ниҳоясига етганича йўқ. Шунинг учун ҳақиқат ким томонда эканлиги ҳам номаълумлигича қолмоқда. Шу ўринда “Вашингтон пост” газетаси 1912 йил сонида чоп этилган ҳайратомуз бир мақолани илмий таҳлил қилиб беришга ҳаракат қилганини айтиб ўтиш жоиз. Бундан саксон йил муқаддам газета шаҳар марказида пайдо бўлиб қолган ғалати қурилма ва унинг ичида ўлиб ётган йигитча ҳақида шов-шувли материал чоп этганди. Йигитнинг сурати ҳам олинган бўлиб, у ўнг қўлида ўша давр учун тушунарсиз коммуникацион қурилма – уяли телефон аппаратини ушлаб олган ва аппаратда штатнинг бугунги тармоқлараро коди билан 21 та рақам терилганди. Мутахассисларнинг фикрича, Нью-Йорк штатининг телефон рақамлари йигирма битталикдан иборат бўлиши учун яна “атиги” икки юз йилча керак бўларкан.

-“Вақт машинаси” хаёлот мевасигина холос, деб бўлмайди, - дейди мавзу юзасидан фикр билдириб Москва Давлат университети профессори В.Пименов. – Ахир, инсоннинг кўкка парвози ҳам бундан юз йил олдин мумкин эмасдек туюларди-ку. Хўш, бизнинг авлодларимиз уни ихтиро қилмаган, деб ким кафолат бера олади?

Инсон тафаккури чек-чегарасиздир. Бас, шундай экан, уни бузиш ва вайрон этиш учун эмас, яратиш ҳамда бунёд қилишгагина ишлатсак, “вақт машинаси” келажакдаямас, бугунги замонда ихтиро қилинса ҳам ажаб эмас.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**
**тайёрлади.**



**Бахт нима ўзи? Уни ҳар ким турлича ифодалайди. Оққўрғонлик юз ёшли Марҳамат ая Алиакбарова эса чевара келини қўлидан чой ичишни орзу қилганди, ниятига етди.**
П.ЭРГАШЕВ олган сурат.

# “МЕН МУХБИРМАН”

***Яқинда “Чўлпон” нашриёти томонидан публицист- журналист Нусрат Раҳматнинг “Мен мухбирман” номли ҳикоялардан иборат қиссаси чоп этилди.***

ЎҚИДИНГИЗМИ?

Ёзувчи, гарчи китоб хотимасида “Китобни “Мен мухбирман” деб атаганим бежиз эмас. Мен ёзувчи эмас, Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлган мухбир, журналистман... Бу асар мухбирлар учун қўлланма ҳам эмас, уни менинг сардафтарим, деб ўйламоқ ҳам хато”, дея таъкидлаган эса-да, китобхон унда заҳматкаш журналистнинг бедор тунлар эвазига бунёд бўлгувчи залворли меҳнати маҳсули мужассам эканлигини пайқай олади. Қиссада ҳаёт билан ҳамнафас яшашга интилган касб заҳматкашининг қизиқарли саргузаштлари, муаллифнинг ўзи бевосита гувоҳ бўлган қувончу ташвишлари, турмуш муаммолари ёритилган туркум воқеалар ҳикоя қилинади.

Мазкур асар собиқ тузум сиёсати таъсири остида айрим чеклашлар билан нашр қилинган “Мен редакцияданман” номли рисоланинг тўлдирилган нашри бўлиб, унда ҳаётни янгича нигоҳ билан яна бир бор кўздан кечириш, истиқлолни тараннум этиш ва бугунги кун қаҳрамонлари хусусида фикр юритиб, хато ва камчиликларни рўй-рост очиб беришга ҳаракат қилинган. Зеро, мустақиллик борлиққа тиниқ нигоҳ билан қарашни, ҳаётга теран назар солишни тақозо этади. Муаллиф асарни қайта ишлаш жараёнида айни шу омилларга эътибор қилгани ҳам бежиз эмас, албатта. Умуман олганда, “Мен мухбирман” ҳикоялардан иборат қиссаси муштарийларнинг икки давр оралиғи хусусидаги тасаввурларини янада бойитишга хизмат қилади, дея бемалол айтиш мумкин.



**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

Бош муҳаррир
Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони:
133-44-43,
136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи:
Д.УЛУҒМУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-0021, ҳажми 2 босма табоқ,

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди:

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 3456

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com